

Валютафуруш яна қўлга тушди.

Илгари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми ва бошқа моддалари билан бир неча марта судланган УТ (ФИШ ўзгартирилган) яна шу каби жиноятга қўл урди.

Сариосиё тумани “Афросиёб” маҳалласида яшовчи фуқаро УТ илгари судланганлигидан тегишли хулоса чиқармасдан Узун тумани “Ўзбекистон” кўчасида қонунга хилоф равишда валюта сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланиб келиб, 2022 йил 21 ноябр куни ИЖҚҚК Департаментининг Узун ва Олтинсой туман бўлими ходимлари томонидан фуқаро Ш.Бозоровнинг аризасига асосан Узун тумани, “Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудидаги темир йўл вокзали ёнида ўтказилган тадбирда назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида, тадбирга жалб қилинган шартли харидорга 1 АҚШ долларини 11210 сўмдан ҳисоблаб, жами 3000 АҚШ долларини “қора бозор” курсида анча миқдорни ташкил қилувчи 33.630.000 сўмга сотиб олган вақтида жиноят устида ушланган ва ундан ушбу пул маблағи холислар иштирокида ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Судда УТ айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам бир неча йилдан бери Узун тумани марказида валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб келишини, моддий шароити оғирлиги учун валюта алмаштириш билан шуғулланганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, опаси ногирон эканлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд томонидан УТга нисбатан тегишли жазо чораси қўлланилди ва ашёвий далил сифатида олинган 33.630.000 сўм пул маблағи давлат ҳисобига ўтказилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки қонун устувор ва ҳар бир жиноят учун жазо муқаррардир.

**Жиноят ишлари бўйича
Узун туман судининг раиси
О.Жуманов**